

ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ БОРАСИДАГИ ФАОЛИЯТИДА ИДОРАЛАРАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ

Азимов Фарход Хакималиевич

Бўка туман прокурори катта ёрдамчиси, 1-даржали юрист
<https://doi.org/10.5281/zenodo.18628057>

Мамлакатимизда жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва профилактика қилиш борасида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жиноятчиликка қарши курашиш давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу борадаги ишларнинг самарадорлиги ва натижадорлигига барча давлат органларининг, энг аввало ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг сайъи-ҳаракатларини бирлаштириш орқали эришиш мумкин. Ушбу фаолиятнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан прокуратура органларининг бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва давлат идоралари билан ўзаро ҳамкорлик даражасига боғлиқ. Замонавий жиноятчилик турларининг мураккаблашуви, трансмиллий хусусият касб этиши ва ахборот технологиялари орқали содир этилаётган жиноятларнинг кўпайиши идоралараро ҳамкорликни янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев таъкидлаганидек, жиноятни аниқлаш, унинг негизини топиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уни жиловлаш мутасаддиларнинг энг асосий вазифасидир. Жиноятчига жазо беришдан кўра, унинг олдини олиш афзал. Бу йўналишда ҳамкорликни кучайтириш лозим. Жиноятчиликка қарши кураш нафақат ҳуқуқ-тартибот органларининг, балки барчамизнинг фаолиятимиз мезони бўлиши керак.

Прокуратура органлари қонун устуворлигини таъминлаш, жиноятларнинг олдини олиш, уларни фош этиш ва айбдорларни жавобгарликка тортиш жараёнида мувофиқлаштирувчи ва назорат қилувчи субъект сифатида муҳим ўрин тутди.

Идоралараро ҳамкорлик – бу жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ваколатли давлат органлари ўртасида ахборот алмашиш, қўшма чора-тадбирлар ўтказиш, ваколатларни мувофиқлаштириш ва биргаликда қарорлар қабул қилишга қаратилган тизимли фаолиятдир.

Прокуратура органларининг мазкур соҳадаги ваколатлари миллий қонунчилик нормалари, жумладан, прокуратура тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, жиноят-процессуал қонунчилик ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Прокуратура фаолиятида идоралараро ҳамкорлик ҳуқуқбузарликларнинг бавақт олдини олиш ва профилактика қилиш, жиноятларни очиш ва тергов қилиш, таҳлил-мониторинг, қонунларнинг ижроси устидан назорат, жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқа йўналишларда амалга оширилади.

Прокуратура органларининг вазирликлар, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар билан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш бўйича биргаликдаги ҳамкорлик фаолияти уларга берилган ваколатлар доирасида қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан кўриқладиган манфаатларини,

Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилишга, жиноятчиликнинг барвақт олдини олишга, профилактикасини амалга оширишга хизмат қилади.

Тезкор-қидирув фаолиятни, терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширадиган органлар билан ахборот алмашиш, тезкор-тергов гуруҳлари ташкил этиш, мураккаб ва уюшган жиноятларни тергов қилишда ўзаро мувофиқлаштирилган ҳаракатларни таъминлаш идоралараро ҳамкорликнинг муҳим жиҳати саналади.

Жиноятчилик ҳолати ва динамикасини таҳлил қилиш, криминоген вазиятни баҳолаш, статистик маълумотлар асосида ҳамкорликда профилактик чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

Прокуратура органлари вазирликлар, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилишини назорат қилади. Бу жараёнда аниқланган қонунбузилишлар юзасидан тегишли таъсир чоралари қўлланилади ҳамда келгусида ҳуқуқбузарликлар содир этилишини олдини олиш ва профилактикасини амалга ошириш бўйича чоралар кўрилади.

Хулоса ўрнида шуни қайд этиш лозимки, прокуратура органларининг жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятида идоралараро ҳамкорлик муҳим стратегик аҳамиятга эга. У нафақат жиноятларни фош этиш ва тергов қилиш самарадорлигини оширади, балки профилактика ишларини кучайтириш, қонунийликни таъминлаш ва жамиятда ҳуқуқий барқарорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.